



2014 у.г. « 26 » апрель

№ 82-Қ

Самарқанд ш., – г. Самарқанд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 23 апрелдаги 102-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви,  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-  
коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг  
ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни  
тасдиқлаш ҳақида”ги қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясига:

ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишларнинг сифатли ўтказилишини ҳамда уларнинг натижалари ҳолисона баҳоланишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар бири бўйича ўрганиш саволномаларини ишлаб чиқишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантиришга доир Ҳукумат қарорларида уларнинг олдига қўйилган вазифалар ва талабларнинг акс эттирилишини таъминлаш юклатилганлиги.;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасига:


алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг ўрганишларни сифатли ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

ўтказилган ўрганишлар бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисида ахборот киритишни таъминлаш юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Хўжамбердиев) ва вилоят “Компьютерлаштириш маркази” ДУК (З.Тўйчиев)лар вилоят бошқармалари, ташкилотлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш ҳолатини яхшилаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширсинлар.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



З.Мирзаев

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 23 апрелдаги 102-сонли  
қарори билан тасдиқланган

**Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари  
фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва  
ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш  
тартиби тўғрисида  
Н И З О М**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, шунингдек NIS.UZ тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини ўрганишни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, шунингдек NIS.UZ тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини ўрганиш Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан ўтказилади.

Зарур ҳолларда, ўтказиладиган ўрганишларда қатнашишга давлат органларининг, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертлари белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда АКТ деб аталади)** – ахборотни яратиш, узатиш, ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ технологиялар;

**ўрганиш** – АКТни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, шунингдек NIS.UZ тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир;

**Инспекциянинг мансабдор шахси** – ўрганишни ўтказишга Инспекция буйруғи билан тайинланадиган мутахассис;

**NIS.UZ тизими** – АКТни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш, ишлаш ва сақлаш учун мўлжалланган идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизими.

4. Ушбу Низом талаблари махсус мақсаддаги ахборот-коммуникация тизимларига ва давлат сирларига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга эга бўлган ахборотлаштириш объектларига татбиқ этилмайди.

## **II. Ўрганишларни ўтказишнинг мақсади ва вазифалари**

5. АКТни жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, NIS.UZ тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини аниқлаш, шунингдек АКТни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ўрганишни ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар ўрганишни ўтказишнинг вазифалари ҳисобланади:

АКТни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида самарали жорий этиш ва ривожлантиришнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва бунга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш;

NIS.UZ тизимига давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини аниқлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда АКТни жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

амалга оширилаётган лойиҳалар ва қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, АКТни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришни давом эттиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш.

## **III. Ўрганишни ташкил этиш ва ўтказиш**

7. Ўрганишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат алоқа қўмитаси деб аталади) томонидан ўрганишларни ўтказиш жадвали тасдиқланади.

8. Ўрганишларни ўтказиш жадвали:

АКТни NIS.UZ тизими орқали давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини ҳар чорақда ўтказиладиган баҳолаш натижалари;

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази таклифлари;

илгари аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши мониторинги натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг талаблари ва таклифлари асосида шакллантирилади.

9. Ўрганишларни ўтказиш жадвали ҳар чоракнинг иккинчи ойдан бошлаб уч ойлик давр учун тузилади ва жорий чорак биринчи ойининг 10-кунигача тасдиқланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг талаби ва таклифларига кўра ўрганишларни ўтказиш жадвалига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўрганишларни ўтказишнинг тасдиқланган жадвали (жадвалга ўзгартиришлар) Давлат алоқа қўмитаси ва Инспекциянинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

10. Ўрганишларни ўтказиш жадвалига риюя этиш юзасидан мониторинг Давлат алоқа қўмитаси томонидан амалга оширилади.

11. Инспекциянинг мансабдор шахслари, жалб этилган мутахассислар ва экспертлар - уларда хизмат гувоҳномаси ёки шахсини (лавозимини) тасдиқловчи бошқа ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда ўрганишга қўйиладилар.

12. Ўрганишларни ўтказиш жадвали ҳамда ўрганишни ўтказишнинг аниқ муддатлари, Инспекциянинг мансабдор шахслари, жалб этилган мутахассислар ва экспертлар таркиби, шунингдек ўрганишни ўтказиш саволномасини назарда тутувчи Инспекция буйруғи ўрганишни ўтказиш учун асос ҳисобланади.

13. Ўрганишни ўтказишнинг бошланиши тўғрисидаги хабарномани Инспекция ёзма шаклда, ўн иш кунидан кечикмай давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади.

14. Мутахассислар ва экспертлар ўрганишга шартнома асосида жалб этилган тақдирда уларни жалб этиш бўйича харажатлар Инспекция маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

15. Инспекциянинг мансабдор шахслари, жалб этилган мутахассислар ва экспертлар ўрганиш давомида ўзларига маълум бўлган конфиденциал ахборотни ошкор қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда – расмий равишда унинг вазифасини бажараётган шахсга) ўрганишларни ўтказишнинг тасдиқланган жадвалидан кўчирма ва Инспекция буйруғининг нусхаси берилади.

17. Ўрганиш холисоналик ва қонунийлик тамойиллари асосида ўтказилади, у давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иш режимига таъсир кўрсатмаслиги керак.

18. Ўрганишни ўтказишда расмий веб-сайтнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги, давлат интерактив хизматлари кўрсатилишининг сифати, ахборот тизимларини, ахборот ресурсларини ва электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш даражаси, АКТни жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул шахсларнинг мавжудлиги/тайинланганлиги, шунингдек ўтказилган ўрганишларнинг натижаларини (АКТни жорий этиш ва ривожлантиришнинг жорий ҳолатини) NIS.UZ тизимига тақдим этилган ахборот билан таққослаш йўли орқали NIS.UZ тизимига тақдим этилаётган ахборотнинг сифати ва ишончлилиги масалалари ҳамда Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ унинг ваколатига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилади.

19. Ўрганишни ўтказиш давомида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

20. Ўрганишларни ўтказиш муддатлари уларни ўтказиш жадвалида назарда тутилган муддатларга мувофиқ бўлиши керак.

#### **IV. Ўрганиш натижаларини расмийлаштириш ва ўрганиш яқунлари бўйича кўриладиган чора-тадбирлар**

21. АКТни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришни ўрганиш натижалари ёзма шаклда, маълумотнома тарзида, икки нусхада расмийлаштирилади.

Ўрганиш натижалари бўйича маълумотнома Инспекциянинг мансабдор шахслари, жалб этилган мутахассислар ва экспертлар, шунингдек АКТни ўрганилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул шахслар (кейинги ўринларда масъул шахслар деб аталади) томонидан имзоланади.

Зарурат бўлганда, ўрганиш натижалари қўшма йиғилишларда, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул шахслари, раҳбарлари ҳамда Инспекция ва Давлат алоқа қўмитаси вакиллари иштирокида муҳокама қилинади.

Масъул шахслар ўрганиш натижалари бўйича маълумотномани имзоланиши рад этишганда имзоланиши рад этганлик тўғрисида Инспекциянинг мансабдор шахслари томонидан далолатнома тузилади.

22. Маълумотноманинг бир нусхаси, шунингдек мавжуд бўлган тақдирда - рад этиш тўғрисидаги далолатноманинг нусхаси давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда - унинг вазифасини расмий равишда бажарувчи шахсга) тақдим этилади.

23. Инспекция ўрганиш тугагандан кейин беш иш кунни мобайнида Давлат алоқа қўмитасига тегишли хулосани, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органига эса – ушбу хулосанинг нусхасини киритади.

24. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Давлат алоқа қўмитаси билан келишган ҳолда, ўрганишлар яқунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этишга ҳамда АКТни жорий этиш ва янада ривожлантиришга доир тадбирлар режаларини (кейинги ўринларда тадбирлар режалари деб аталади) ишлаб чиқадилар ва икки ҳафта муддатда тасдиқлайдилар ҳамда келгусида уларнинг бажарилиши мониторингини юритиш учун Инспекцияга тақдим этадилар.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбирлар режаларида назарда тутилган муддатларда инспекцияга уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Тадбирлар режаларини бажариш муддатлари асосланган сабаблар мавжуд бўлган тақдирда, Давлат алоқа қўмитаси билан келишган ҳолда узайтирилиши мумкин.

25. Инспекция тақдим этилаётган маълумотлар асосида тадбирлар режаларининг бажарилиши доимий мониторингини юритади ва таҳлил қилади, уларнинг натижалари бўйича Давлат алоқа қўмитасига тегишли хулоса тақдим этади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, Инспекция тадбирлар режалари бандлари бажарилганлигининг ишончлилигини аниқлаш учун мониторинг ва таҳлилни жойига борган ҳолда ўтказиши мумкин.

26. Тадбирлар режалари давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз вақтида ёки сифатли бажарилмаган тақдирда Давлат алоқа қўмитаси Инспекциянинг тегишли хулосаси асосида уларга нисбатан тадбирлар режаларини бажариш бўйича камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар беради.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатмалар бажарилмаган тақдирда Давлат алоқа қўмитаси ўз ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилиши мумкин.

27. Ўрганишни ўтказиш даврида NIS.UZ тизимига тақдим этилган ахборотнинг ишончсизлиги тасдиқланган ёки аниқланган тақдирда Инспекциянинг мансабдор шахслари томонидан АКТни жорий этиш ва ривожлантириш жорий ҳолатининг NIS.UZ тизимига тақдим этилган ахборотга номувофиқлиги тўғрисида уч нусхада далолатнома тузилади.

Далолатнома Инспекциянинг мансабдор шахслари, жалб этилган мутахассислар ва экспертлар, шунингдек масъул шахслар томонидан имзоланади.

Масъул шахслар далолатномани имзолашдан бош тортишган тақдирда имзолашни рад этиш тўғрисида Инспекциянинг мансабдор шахслари томонидан тегишли далолатнома тузилади.

Далолатноманинг бир нусхаси, шунингдек мавжуд бўлган тақдирда – рад этиш тўғрисидаги далолатноманинг нусхаси давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини расмий равишда бажарувчи шахсга) тақдим этилади.

Далолатноманинг иккинчи нусхаси бир иш куни мобайнида Давлат алоқа кўмитасига тақдим этилади.

28. АКТни жорий этиш ва ривожлантириш жорий ҳолатининг NIS.UZ тизимига тақдим этилган ахборотга номувофиқ эканлиги аниқланган тақдирда, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари далолатнома олинган вақтдан бошлаб уч кун муддатда NIS.UZ тизимига тақдим этилган ишончсиз ахборотни бартараф этиши ва NIS.UZ тизимидаги ахборот тузатилганлиги тўғрисида Давлат алоқа кўмитасини хабардор қилиши шарт.

29. Давлат алоқа кўмитаси NIS.UZ тизимига тузатиш киритилгандан кейин уч кун муддатда такрорий таҳлил ўтказиши ҳамда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг АКТни жорий этиш самарадорлиги бўйича янги рейтинг баҳосини аниқлайди.

Давлат алоқа кўмитаси икки кун мобайнида янги рейтинг баҳоси натижасини Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг тегишли раҳбарларига киритади ва уни изоҳ билан бирга Давлат алоқа кўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилади.

30. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан NIS.UZ тизимида тақдим этилган ишончсиз ахборот бартараф этилмаган тақдирда Давлат алоқа кўмитаси қонунчиликка мувофиқ ўз ваколати доирасида чоралар кўради.

#### **V. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда Инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

31. Ўрганиш ўтказилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўрганиш ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

Давлат алоқа кўмитасига ўрганишларни ўтказиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш бўйича асосланган таклифлар тақдим этиш;

мансабдор шахслардан ўрганишни ўтказиш учун асос ҳисобланадиган ҳужжатларни, Инспекция мансабдор шахсларининг, жалб этилган мутахассислар ва экспертларнинг хизмат гувоҳномаларини, шунингдек ўрганиш давомида кўриб чиқилган масалалар рўйхатини кўрсатишини талаб қилиш;



Ўрганишларни ўтказиш учун асосларга эга бўлмаган шахсларни ўрганишни ўтказишга қўймаслик;

Инспекция мансабдор шахсларининг ўрганиш предметига тааллуқли бўлмаган масалалар бўйича материаллар билан танишишни рад этиш;

Ўрганишлар тугагандан сўнг Инспекциянинг мансабдор шахслардан ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотноманинг бир нусхасини олиш;

Инспекциянинг ва унинг мансабдор шахсларининг ўрганишлари, хатти-ҳаракатлари ва буйруқлари (фармойишлари) натижалари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш.

32. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қуйидагиларга мажбур:

Инспекциянинг мансабдор шахслари талабига кўра ўрганишни амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни кўрсатиш, уларни объектларга киритиш, уларга ўз вазифаларини бажаришда кўмаклашиш;

хар чорақда АКТни жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги сифатли ва ишончли ахборотни NIS.UZ тизимига киритиш.

33. Инспекция ва унинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўтказиладиган ўрганишларда қатнашиш учун давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўрганишни ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишни, шунингдек ўрганиш предмети доирасида тегишли объектларга киритиш таъминланишини талаб қилиш;

Давлат алоқа кўмитасига, бунинг учун объектив асослар мавжуд бўлган тақдирда, ўрганишни ўтказиш муддатини қайта кўриб чиқиш ҳақида таклиф киритиш.

Инспекция мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари ўрганилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

34. Инспекциянинг мансабдор шахслари, ўрганишга жалб этилган мутахассислар ва экспертлар қуйидагиларга мажбур:

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўрганишни ўтказиш ҳуқуқи учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг жорий ишларига тўсқинлик қилмаслик;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ошкор қилинмайдиган конфиденциал ахборот бўйича талабларига қатъий риоя этиш;

ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича ёзма шаклда маълумотнома расмийлаштириш ҳамда унинг бир нусхасини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органига тақдим этиш.

#### **VI. Яқунловчи қонда**

35. Инспекциянинг мансабдор шахслари, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу Низомнинг норма ва талабларига риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.